


Маънавият хазинасидан

**ҚИССАИ
МАВЛАВИЙ-
ҲИНДИСТОНИЙ**



"Адолат"

«Мавлавийнинг энг улуғ устозлари Қози Мирмуҳаммад Фавс ибн Мирмуҳаммад Аълам ибн Мирмуҳаммад Азиз Саййидзода эдилар. Бу зоти шариф «Умдату-р-риъоя» номли машҳур фикҳ китоби ва бошқа таснифлар муалифи бўлмиш ҳазрати Мавлоно Абдулҳай Лакҳнавийнинг шогирдидирлар».

«Муқаддима»дан

«Мулло Фақир алайҳир-раҳмадан ажойиб кароматлар муноҳида қилдим... Чилдахонадан чиқиб, мен билан видолашдилар. Мен сўрадим: «Яна қай ерда кўрушамиз?» Жавоб бердилар: «Байтуллоҳда кўрушамиз».

Ҳақиқатда шундоғ бўлди... Жаноб Расулуллоҳнинг гаваллуд бўлгон жойларила, ҳаж мавсумида етти иқлимдан келгон кутблар жамъ бўлар эканлар. Ўша ҳовлида олти кишининг ўтирғонини кўрдум. Шуларнинг еггинчиси Мулло Фақир эканлар».

«Қиссаи Мавлавий-Ҳиндистоний»дан

«Мадрасада турғонимда бир туш кўрғон эдим. Шу тушнинг таъбиридан волидамизнинг вафоглари маълум бўлгон эди... Ҳовлимизнинг рўбарасида катта қабристон бор эди. Шу қабристон ўртасида биш катта дарахт бор эди. Тушумда ҳовлида гурубман ва ҳеч ким тўқ. Онамни чақирсам, қабристоннинг ўртасидаги дарахтнинг тагидан: «Ман бу жойдаман», деб жавоб берди...

— «Волидамизнинг қабрини кўрсатгин, мен боруб зиёрат қилайин», дедим. Укам олиб боруб, қабристон ўртасидаги дарахтнинг тагини кўрсатди. Ман волидамдан 17 ёшда жудо бўлгон эканман. Дилимда волидамга хизмат қилолмағонлигимнинг ҳасрати го қиёмат қилди.

«Қиссаи Мавлавий-Ҳиндистоний»дан

Мавлавий-Ҳиндистоний ҳақларида 20-асрнинг муҳташам сиймоларидан бўлмиш мумтоз шоир, шайх ва аллома Исмоилхон Фақирий: «Аллоҳ таоло бир кишига шунча илм берди деб ўйламаган эдим», дейдилар.

«Муқаддима»дан

Маънавият хазинаси

**ҚИССАИ
МАВЛАВИЙ-
ҲИНДИСТОНИЙ**

**Тошкент
«Адолат»
2004**

Ҳазрати Ҳожи Мавлавий-Ҳиндистонийнинг ўз муборак оғизлари билан баён этган қиссалари истибдод даври зулм ва ноҳақликларини англаш ва бу кунги истиқлол неъматининг қадрига етишда бутун ватандошларимиз учун муҳим сабоқ бўлади деб ўйлаймиз. Қисса мустақилликнинг ilk йилларида (1992) «Ўзбекистон Адабиёти ва санъати» газетасида ҳам босилган ва муносиб баҳосини олган.

Асар қўлёзмасини ва магнитофон тасмасини ҳазрати Мавлавийнинг фарзанди – Убайдуллоҳ Муҳаммадҷон ўғли тиббиёт фанлари номзоди Саримсоқҷон Камоловга келтириб топширадилар, у киши эса газета учун чопга тайёрлайди. Асар таниқли олим Иброҳим Фафурнинг махсус сўзбошиси билан чоп этилади. Муаллифдан рухсат олиб, тақдимни ушбу китобга ҳам киритдик. Мавзуларга мос сарлавҳалар қўйиб, китоб охирига изоҳлар илова этдик.

Асарнинг юзага чиқишига сабабчи бўлган барча азиз инсонларга Аллоҳ таоло дунёю охиратда яхшилик ато айласин.

**Нашрга тайёрловчи, масъул муҳаррир,
муқаддима ва изоҳот муаллифи:
Мирзо **КЕНЖАБЕК****

К 1201000000-015 -2004
(04)-2004

© М. Кенжабек.
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти, 2004 йил.



ҲАЗРАТИ МАВЛАВИЙ-ҲИНДИСТОНИЙ

Муқаддима

Беҳад меҳрибон ва ниҳоятда раҳмли Аллоҳ исми билан бошлайман. Аллоҳ таолога сўнгсиз ҳамду санолар, ҳазрати Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга чексиз салоту саломлар бўлсин.

Ҳазрати Муҳаммаджон Ҳожи алайҳи-р-раҳмату-л-Борий XX аср Ислому оламнинг нодир арбобларидан ва Марказий Осиё илм-маърифат муҳитининг ҳаракатлангирувчи кучларидан бири эдилар. У зот етук аллома: фақиҳ, мутаржим, муфассир, адиб ва мугасаввифдирлар. Зеро, истибдод даврида, шўро ҳокимияти тазйиқлари остида яшаб фаолият кўрсатдилар ҳамда Ватан ичида туриб тафсир битдилар.

Ҳазрати Имоми Аъзам мазҳабининг жонфидо муҳофизларидан бўлган Мавлавий-Ҳиндистоний ўз маърифатлари ва заковатлари билан диёримиз мусулмонлари яқдиллиги ва ҳамжиҳатлигига, Ватан тинчлиги ва осойишталигига улкан ҳисса қўшиб кетдилар. У зотнинг етук, садоқатли шоғирдлари ҳозир ҳам ана шу қутлуғ ғояларга хизмат қилмоқдалар.

Алломанинг илмий-маърифий меросини беш қисмга бўлиш мумкин:

1. Қуръони карим таржимаси ва тафсири ҳамда тафсир суҳбатлари. Бу бўлим «Баёну-л-Қуръон фий таржимати-л-Фурқон» китоби ва давра суҳбатларидан иборат.

2. Фикҳ ва ақоид суҳбатлари.

3. Тасаввуф суҳбатлари. Бу бўлим асосан Нақшбандия тариқати мақоми ва тасаввуф моҳиятига оид жонли суҳбатлардан иборат.

4. Адабиёт суҳбатлари. Бу бўлим асосан «Бедил» ва «Мақомоти Замахшарий» дарсларидан иборат.

5. Ихтилофларни бартараф этиш борасидаги суҳбатлар. Бу бўлим янги чиққан эгри оқимлар борасидаги танбиҳ ва танқидлардан иборат. Мазкур оқимлар эса Аҳли суннат вал-жамаъат

моат фикҳи ва ақоидини ташкил этган мужтаҳид имомлар таълимотига, хусусан, бизнинг диёрларда жорий бўлган Имоми Аъзам мазҳабларига очиқ ва яширин муҳолафатда бўлган тоифалардир.

Аллома Туркистон шеваасидан ташқари, араб, форс-тожик, урду тилларини пухта билганлар.

XX асрнинг муҳташам сиймоларидан бўлмиш мумтоз шоир ва аллома Исмоилхон Фақирӣ: «Алюҳ таоло бир кишига шунча илм беради деб ўйламаган эдим», деб эътироф этганлар.

Исм-насаблари

Исмлари Муҳаммаджон Ҳожи Мулло Рустам ўғилларидир. Оталари Рамазон ойида, таровихда хатми Куръон қилган Муҳаммаджон исмли қорӣй йигитга ҳавас қилиб, «Худо ўғил берса, исмини Муҳаммаджон қўйиб, қорӣй қиламан» деб ният қиладилар, сўнг шу муборак номни қўядилар.

У зот «Ҳазрати Мавлавӣй», «Ҳожи Қорӣй», «Ҳожи Домулло», Ҳиндистонда таълим олганлари боис «Ҳожи Ҳиндистонӣй», «Мавлавӣй-Ҳиндистонӣй» ҳамда туғилган ватанларига нисбатан «Кўқандӣй» деган номлар билан машҳур бўлганлар. «Мавлавӣй» - у зотнинг маъно оламидаги мартабаларига ишорадир.

Оталари Мулло Рустам Кўқон ва Самарқанд мадрасаларида илм олган фақих эдилар.

Таваллуд вақтлари ва ватанлари

Ҳижрий 1310, милодий 1892 йилда Кўқон музофотига қарашли, Хожа Муҳаммад Валий қабристонига яқин Чорбоғ қишлоғида туғилиб ўсганлар.

Тақдир тақозоси билан, Кўқон ва Шоҳимардондан ташқари, яна Тошкент, Оҳангарон, Бухоро, Термиз, Қарши, Афғонистонда – Балх, Кобул, Мозори Шариф, Жалолобод, Ҳиндистонда – Ажмир, Кашмир, Бомбей, Арабистонда – Жидда, Макка мукаррама, Мадинаи мунаввара, Покистонда – Пешовар, Қозоғистонда – Семипалатинск, Белоруссияда – Минск, Россияда – Свердловск, Москва, Дулё, Смоленск, Новосибирск, Маринск, Кемерово каби шаҳарларни кезиб чиққанлар.

Охири Душанбе шаҳрида яшаб, 99 ёшда вафот этдилар. Қабрлари ҳазрати Мавлоно Яъқуб Чархӣй мақбаралари ёнидадир.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4325> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4325> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4325>